

**ТОШКЕНТ ВРАЧЛАР МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ИНСТИТУТИ**  
**ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**Dsc. 04/30.12.2019. Tib.31.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**  

---

**ТОШКЕНТ ПЕДИАТРИЯ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ**

**ЮЛДАШЕВА МАНЗУРА МУХАМАД-ТОФИК КИЗИ**

**МИЯ ҚОН АЙЛАНИШИНИНГ ЎТКИР БУЗИЛИШЛАРИДА**  
**ЦЕРЕБРАЛ ВЕНОЗ ГЕМОДИНАМИКАНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ**

**14.00.13 – Неврология**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)**  
**ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ – 2020**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)**

**Юлдашева Манзура Мухамад-Тофик Қизи**

Мия қон айланишининг ўткир бузилишларида церебрал веноз гемодинамиканинг хусусиятлари..... 3

**Юлдашева Манзура Мухамад-Тофик Қизи**

Особенности церебральной венозной гемодинамики при острых нарушениях мозгового кровообращения..... 23

**Yuldasheva Manzura Muhamad-Tofik Kizi**

Features of cerebral venous hemodynamics in acute disorders of cerebral circulation..... 43

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works..... 46

**ТОШКЕНТ ВРАЧЛАР МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ИНСТИТУТИ**  
**ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**Dsc. 04/30.12.2019. Tib.31.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**  

---

**ТОШКЕНТ ПЕДИАТРИЯ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ**

**ЮЛДАШЕВА МАНЗУРА МУХАМАД-ТОФИК КИЗИ**

**МИЯ ҚОН АЙЛАНИШИНИНГ ЎТКИР БУЗИЛИШЛАРИДА**  
**ЦЕРЕБРАЛ ВЕНОЗ ГЕМОДИНАМИКАНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ**

**14.00.13 – Неврология**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)**  
**ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ – 2020**

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2020.2PhD/Тиб572 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент педиатрик медицина институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси ([www.tdsi.uz](http://www.tdsi.uz)) ва «ZiyoNet» ахборот-таълим тармоғида ([www.ziyounet.uz](http://www.ziyounet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Маджидова Ёқутхон Набиевна,**  
тиббиёт фанлар доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Гафуров Бахтиёр Гафурович,**  
тиббиёт фанлар доктори, профессор  
**Дьяконова Елена Николаевна,**  
тиббиёт фанлар доктори, профессор  
(Россия Федерация)

**Етакчи ташкилот:**

**Самарқанд давлат тиббиёт институти**

Диссертация ҳимояси Тошкент врачлар малакасини ошириш институти ҳузуридаги 27.06.2017.Тиб.31.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2020йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ куни соат \_\_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100007, Тошкент шаҳри МирзоУлуғбек тумани Паркент кўчаси 51–уй. Тел./факс: (99871) 268–17–44, e-mail: [info@tipme.uz](mailto:info@tipme.uz)).

Диссертация билан Тошкент врачлар малакасини ошириш институти Ахборот–ресурс марказида танишиш мумкин (\_\_\_ рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100007, Тошкент шаҳри Мирзо Улуғбек тумани Паркент кўчаси 51–уй. Тел./факс: (99871) 268–17–44.

Диссертация автореферати 2020 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ куни тарқатилди.

(2020 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси).



**Х.А. Акилов**  
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси,  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Н.Н. Убайдуллаева**  
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш илмий  
котиби, тиббиёт фанлари доктори, доцент

**Б.Г.Гафуров**  
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш  
қошидаги илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари  
доктори, профессор

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертация аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Аҳоли орасида умумий ўлим сабаблари сифатида юрак-қон томир касалликлари патологияси ва миёда қон айланишининг ўткир бузилишлари (МҚАЎБ) ўз навбатида биринчи ва иккинчи ўринларни эгаллайди. МҚАЎБ дунёда кенг тарқалган патология ҳисобланади ва Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти (ЖССТ) маълумотларига кўра «...дунёда бош миё қон-томир касалликларидан йилига 17,5 миллион киши вафот этади, бу ўз навбатида умумий ўлимнинг 30 фоизини ташкил қилади...»<sup>1</sup>. Миё қон-томир патологиясининг оғир шакли инсульт ҳисобланади. Европа мамлакатларида МҚАЎБдан ўлим кўрсаткичлари ҳар йили 100000 аҳолига нисбатан 63,5 дан 273,4 кишига қадар ўзгариб туради. 85-88% церебрал инсультлар ишемияга боғлиқ. Ривожланган мамлакатларда ишемик инсульт (ИИ) доимий ногиронликнинг сабаби сифатида биринчи ўринда туради. Ҳар хил турдаги узок давом этадиган ҳаракат бузилашлари инсультнинг оғир ва тез-тез учрайдиган оқибатларидир.

Жаҳонда ишемик инсульт ўтказган беморларда даволаш-диагностик ва реабилитацион тактикани комплекс баҳолашни такомиллаштиришнинг юқори самарадорлигига эришиш мақсадида қатор илмий-тадқиқотлар амалга оширилмоқда. Бу борадаги тадқиқотлар ишемик инсультни эрта ташхислаш, церебрал веноз қон айланишини қийслаш, миё гемодинамикасида унинг аҳамиятини баҳолаш, миёнинг веноз дисциркуляциясини объективлаштириш, динамик кузатиш ва миё патологиясини даволаш самарадорлигини баҳолаш алоҳида аҳамиятга эга. Церебрал ишемия ривожланишининг турли босқичларини нейровизуализация кўрсаткичлари билан боғлиқ чуқур доплерографик таҳлилни амалга ошириш, ўткир ва эрта тикланиш даврида ишемик инсульт мавжуд бўлган беморларда церебрал веноз гемодинамикасининг хусусиятларини аниқлаш ва иккиламчи профилактика қабилар ўзига хос аҳамият касб этади.

Мамлакатимизда, соғлиқни сақлаш тизимини такомиллаштириш бўйича олиб борилаётган кенг кўламли чора-тадбирлар билан бир қаторда, цереброваскуляр касалликларни келтириб чиқишига сабаб бўладиган омилларни аниқлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шу маънода «...касалликлар диагностикаси ва профилактикаси, замонавий технологияларни кенг жорий этиш, юқори малакали ва сифатли тиббий хизмат кўрсатиш»<sup>2</sup> вазифаларга белгиланган. Бу вазифалар ўз навбатида аҳоли орасида цереброваскуляр касалликни ривожланиши ва асоратларини олдини олиш, хавф омилларини эрта аниқлаш, тиббий-ижтимоий ёрдам

<sup>1</sup>ЖССТнинг 2019 йилги ҳисоботи (<https://www.who.int/ru/news-room/fact-sheets/detail/nose-loss>)

<sup>2</sup>Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 декабрдаги №ПФ-5590 «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида»

ҳажмини ошириш, ўлим ва ногиронлик кўрсаткичларини пасайтириш ҳамда ҳаёт сифатини яхшилаш борасида чора-тадбирларни амалга ошириш лозим.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 декабрдаги ПФ-5590-сон «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони, 2017 йил 20 июндаги ПҚ-3071-сон «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига 2017–2021 йилларда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2014 йил 1 августдаги ПҚ-2221-сон «Ўзбекистонда оналар, болалар ва ўсмирлар соғлиғини муҳофаза қилиш бўйича 2014-2018 йилларга мўлжалланган Давлат дастури» Қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Краниоваскуляр патология бош миyanинг патологик жараёнида артериал ва веноз қон айланиш тизими иштирокида церебрал гемодинамиканинг етишмовчилиги миa функциясининг прогрессив бузилиши бўлиб тавсифланади. Клиник тадқиқот натижасида артериал қон айланиши бузилиши кўпроқ учраб, веноз дисциркуляция билан кузатилади, бироқ артериал етишмовчилик билан бир қаторда марказий веноз гемодинамика етишмовчилиги кўпроқ кузатилган. Бу ўз навбатида веноз энцефалопатиянинг мустақил шаклини (Васильев И.А., Ступак В.В., 2014; Семенов С.Е., Шумилина М.В. 2015) аниқлашга имкон берган. Охириги вақтгача церебрал гемодинамиканинг веноз компоненти бўйича изланишлар миyanинг артериал қон айланиши бўйича амалга оширилган тадқиқотлардан орқада қолиб, бу анатомик қийинчилик ва церебрал веналарни жойлашинининг жиддий ўзгарувчанлиги ҳамда миa қаттиқ қобиғи синусларини ташхисотининг қийинлиги, шу билан бирга церебрал гемодинамикада веноз компонентини ташхислашдаги объектив усулларнинг мавжуд эмаслиги билан боғлиқ бўлган. Церебрал веноз қон айланишини қиёслаш ва миa гемодинамикасида унинг аҳамиятини баҳолаш борасида замонавий визуализация технологиялари фаол ривожланмоқда ва амалиётга тадбиқ этилган (Путилин М.В., Ермошкина Н.Ю., 2013).

Бундан ташқари, церебрал гемодинамиканинг веноз компонентининг бузилиши цереброваскуляр патологияни ривожланишидаги патологик механизмлардан бири деб ҳисобланиши мумкин. Церебрал томирларнинг тахминан 70% веноз томирлардир, аммо миa томирлари касалликлари бўйича ўтказилган тадқиқотларнинг 90% дан ортиғи артериал қон оқимида ўтказилган. Церебрал қон айланишини веноз қисминини етарли миқдорда баҳолаш сурункали церебрал ишемиянинг патогенези ва клиник кўринишини ўзгартирган (Бабенков Н.В., 2000; Белова Л.А., Машин В.В., 2010). Церебрал

веналар фаолиятини мақсадли аниқлашангиография, КТ ва МРТ ёрдамида амалга оширилган, ангиосцинтиграфиянинг қўлланиши веноз церебрал гемодинамиканинг бузилишларини аниқлаш имкониятларини кенгайтирган (Дическул М.Л., 2014; Семенов С.Е., Шумилина М.В., 2015). Транскраниал доплерография–томирлар ҳолатини баҳолайдиган ноинвазив, оғриқсиз, иқтисодий ва информацион усул ҳисобланган. Бундан ташқари доплер ултратовуш текширувининг миянинг веноз дисциркуляциясини объективлаштиришда, динамик кузатишда ва мия патологиясида даволаш самарадорлигини баҳолашда аҳамиятиқайд қилинган (Гачечиладзе Д.Г., Берулава Д.В., 2012; Henry–Feugeas M.C., Koskas P., 2012).

Шундай қилиб, бугунги кунда церебрал ишемия ривожланишининг турли босқичларини нейровизуализация кўрсаткичлари билан боғлиқ чуқур доплерографик таҳлилни амалга ошириш, ўткир ва эрта тикланиш даврида ишемик инсульт мавжуд бўлган беморларда церебрал веноз гемодинамикасининг хусусиятларини аниқлашга бағишланган илмий тадқиқотларни амалга ошириш долзарб ҳисобланади.

**Тадқиқот бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Тошкент педиатрия тиббиёт институтининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ 01980006703 - рақамли «Ўткир мия қон томирлари бахтсиз ҳодисаларида мия томирлари гемодинамикасининг хусусиятлари» мавзуси доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** ўткир ва эрта тикланиш даврида ишемик инсульт мавжуд бўлган беморларда церебрал веноз гемодинамиканинг ўзига хос хусусиятларини аниқлашдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

ишемик инсультнинг ўткир ва эрта тикланиш даврида беморларда неврологик, нейропсихологик кўрсаткичларнинг динамикасини аниқлаш;

ишемик инсультнинг ўткир ва эрта тикланиш даврида беморларда артериал оқим ва веноз чиқишнинг доплерографик паттерннинг хусусиятларини таҳлил қилиш;

ишемик инсультнинг ўткир ва эрта тикланиш даврида веноз чиқишнинг ўзгаришини ва веноз дисбаланснинг аҳамиятини неврологик ва нейропсихологик кўрсаткичлари ўртасидаги боғлиқликни аниқлаш;

ишемик инсультни ўтказган беморларда бош мия томирларининг жароҳатини ташхисоти ва иккиламчи профилактикаси бўйича тавсияларни ишлаб чиқиш.

**Тадқиқотнинг объектисифати**да Россия Федерациясининг Новосибирск шаҳридаги Худудий томир маркази ФДБТ НСО 1-ШКШда 55 ёшдан 78 ёшгача (ўртача  $65,9 \pm 4,8$  ёш) ўткир ишемик инсульти бўлган ва касалликнинг эрта тикланиш давлари бўлган 110 нафар бемор ва 22 нафар соғлом кишилар олинган.

**Тадқиқотнинг предметисифати**дан неврологик статус ва нейровизуализация усулларининг натижалари олинди.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқот вазифаларини хал этиш ва мақсадга эришиш учун клиник, неврологик, нейропсихологик, нейровизуализацион, инструментал тадқиқот усуллари ва статистик таҳлил усулларидан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

ишемик инсультнинг ўткир ва эрта тикланиш давларида веноз церебрал гемодинамиканинг ўзгариши неврологик ва нейропсихологик кўрсаткичлар динамикаси ўртасидаги узвий муносабати аниқланган;

илк бор ишемик инсультда миёда қон айланиш гемодинамикасининг захираси билан веноз церебрал номуносабатли боғлиқлиги исботланган;

ишемик инсульт бўлган беморларда миёда қон айланишининг гемодинамик захиранинг (артериал ва веноз) даражасида ўзгаришларни ҳисобга олган ҳолда шахсийлаштиришнинг ташхисоти аниқланган;

ишемик инсульт ўтказган беморларда бош миё томирларининг жароҳатини эрта ташхисоти ва иккиламчи профилактикаси оптималлаштирилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

ишемик инсульт бўлган беморларда касалликни оғирлиги церебрал веноз гемодинамика ҳолати билан боғлиқлиги аниқланган;

церебрал веноз гемодинамиканинг кўрсаткичлари қиёсий жиҳатдан ишемик инсультнинг оғирлигини башорат қилишга имкон бериши, беморнинг неврологик ҳолати ва даволаш натижаларининг самарадорлиги билан миё веналарининг гемодинамикасининг боғлиқлиги исботланган;

церебрал веноз гемодинамиканинг кўрсаткичлари ТКДГнинг минимал инвазивлигида ишемик инсультларни ташхисотини самарадорлигини ошириш ва ушбу касалликга бўлган иқтисодий харажатларни пасайтириши аниқланган;

шкала асосида ишемик инсулти бўлган беморларда неврологик ва нейропсихологик статуси ўрганилди ва ушбу касалликни аниқлаш бўйича қўлланилган усулнинг самарадорлиги ҳамда церебрал веноз гемодинамика билан корреляцион боғлиқлиги аниқланган;

ишемик инсульт бўлган беморларнинг неврологик ва нейропсихологик ҳолати объектив ва субъектив баҳоланганда ишемик инсультларнинг ўткир ва эрта реабилитация давларида неврологик дефицит регрессини башорат қилиш, минимал харажатлар билан тиббий ёрдам кўрсатиш ва даволаш тактикасини аниқлаш имконини берган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончилиги** қўлланилган ёндашув ва усуллар, назарий маълумот асосида олинган амалий натижалар билан мувофиқлиги, методология нуқтаи назаридан амалга оширилган тадқиқотларнинг ишончилиги, беморлар сонининг етарлилиги, клиник неврология усуллари асослиги, психологик тестлар, офтальмоскопия, дуплексли сканерлаш, магнит-резонансли томография (МРТ) ва статистик усуллар ёрдамида беморлар маълумотлари замонавий рақамли компьютер технологиялари ёрдамида ишлаш ҳамда халқаро ва маҳаллий нашр этилган



илмий тадқиқот натижаларини солиштириш, тақдим этилган натижалар бўйича ваколатли ташкилотлардан олинган хулосалар билан аниқланади.

#### **Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.**

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти цереброваскуляр патология фонида церебрал веноз дисфункциянинг клиник кечишининг хусусиятларини аниқлашданазарий билимларни кенгайтиришга, ҳамда беморларда ВЦДнинг бошланғич кўринишларида эрта ташхислашдаги дастурлар алгоритмининг такомиллаштириш, даволаш ва ташхислаш сифатини ошириш, касаллик асоратларини ва церебрал веноз дисциркуляцияни камайтириши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундаки, гемодинамик бузилишларнинг оғирлиги билан кузатиладиган церебрал веноз ташхисот тактикаси, касалликнинг ривожланиш босқичларини, ўткир церебрал ишемия фонида намоён бўладиган ва беморларнинг коморбид фонида даволаш самарадорлигининг ошиши ҳамда веноз дисфункцияни тузатишга асосланган ҳолда, ташхис қўйиш ва даволашнинг мақбул тактикасини танлаш натижасида бош мия қон томирлари патологиясининг оғирлашувини секинлашувибилан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Мия ишемиясида веноз мия циркуляциясини даволаш усулларини такомиллаштириш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

«Церебрал веноз дисгемия мавжудлигига караб ишемик инсультларни ташхисоти» услубий тавсияномаси тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2020 йил 12 сентябрдаги 8н-д/122-сонли маълумотномаси). Мазкур услубий тавсиянома жорий этилиши мия қон айланишининг ўткир бузилишларида церебрал веноз гемодинамикани эрта ташхислаш, уни олдини олишни оптималлаштириш ва асоратлар сонини камайтириш имконини берган;

церебрал веноз дисгемия мавжудлигига караб ишемик инсультларни ташхисоти бўйича олинган илмий натижалар соғлиқни сақлаш тизимига, жумладан, Самарқанд давлат тиббиёт институтининг 1-клиникасига, Андижон давлат тиббиёт институтининг клиникасига ва Бухоро шаҳридаги «Азимед-Шифо» хусусий клиника амалиётларига жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2020 йил 18 сентябрдаги 8н-з/112-сонли маълумотномаси). Олинган тадқиқот натижаларини клиник амалиётга жорий қилиниши ёндош церебрал дисгемия билан кечадиган ишемик инсультларни ташхислаш, ишемик инсультлардан ўлим кўрсаткичини қисқартириш, асоратларни сонини камайтириш ва ишемик инсультни олдини олишни оптималлаштиришга имкон берган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 4 та илмий-амалий анжуманларда, жумладан 3 халқаро ва 1 республика илмий-амалий конференцияларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Диссертация мавзуси бўйича жами 14 та илмий иш, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий

аттестация комиссияси томонидан тавсия этилган илмий нашрларда 5 та мақола, жумладан 4 таси республика ва 1 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва хажми. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг хажми 102 бетни ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида тадқиқотнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқот мақсади ва вазифалари, тадқиқот объекти ва предмети тавсифланган, республикада фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгиликлари ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиниши, нашр этилган ишлар ва диссертация бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Веноз қон оқими бузилишини ташхислаш усуллари**нинг замонавий тушунчалари» деб номланган биринчи боби 5 та кичик бўлимдан иборат бўлиб унда адабиётлар шархи келтирилган. Шарҳда МҚАЎБ тарқалиши, патогенези ва ташхислаш бўйича замонавий маълумотлар таҳлил қилинган. Церебрал веноз гемодинамиканинг анатомио-физиологик хусусиятлари тасвирланган, бош миyanинг веноз қон айланишини клиник ташхисоти ёритиб берилган. Церебрал гемодинамика соҳасида изланишлар таҳлил қилинган ва неврологик ва нейрпсихологик ҳолатни объективлаштиришнинг замонавий усуллари таҳлил қилинган.

Диссертациянинг **«Ишемик инсульт бўлган беморлар ҳолати ва текшириш усуллари»**деб номланган иккинчи бобида Россия Федерациясининг Новосибирск шаҳридаги Худудий томир маркази ФДБТ 1-ШКШда 55-78 ёшдаги (ўрта ёш 65,9±4,8) 110 нафар ИИдан даволанган беморлар ташкил этди. Назорат гуруҳи тадқиқот гуруҳи билан жинси ва ёши бўйича мос келадиган 22нафар соғлом одамлардан иборат бўлган. Беморларни тақсимланиши 1-жадвалда келтирилган.

1-жадвал.

### ИИ бўлган беморларнинг жинси, ёши ва типини бўйича тақсимланиши

Ишемик инсульт шакли	Ёши	эркаклар		аёллар		жами	
		n	%	n	%	n	%
Атеротромботик (АТ)	72,6	19	30,2	23	33,3	42	31,8
Кардиоэмболик(КЭ)	59,4	16	25,4	14	20,3	30	22,7
Лакунар (ЛИ)	57,2	12	19,0	10	14,5	22	16,7
Гемодинамик (ГД)	75,2	7	11,1	9	13,0	16	12,1
<b>Жами</b>	<b>65,9</b>	<b>54</b>	<b>47,7</b>	<b>56</b>	<b>52,3</b>	<b>110</b>	<b>100</b>


Беморларда клиник (шикоятлари ва касаллик анамнези, соматик статуси ва коморбид ҳолат ўрганилган), неврологик (нейрологик ҳолати, неврологик ва нейрпсихологик шкала), нейровизуализацион (реоэнцефалография, экстра ва интракраниал артериялар УТТ-тадқиқоти, МРТ ва МР ангиография), офтальмологик (кўз тубини ва кўз туби тўқималарини фундус-камера билан фоторегистрацияси, кўз туби томирларини калиброметрияси) ва натижаларининг тахлилиучун статистик усуллар қўлланилган.

Тадқиқот натижаларининг статистик таҳлили вариацион статистик усуллари ёрдамида амалга оширилди. Олинган ўлчовларни статистик аҳамиятини аниқлаш учун Стъюдент (t) мезони, ишончилилик даражаси (P)да ифойдаланилган; фарқлар 95% ишонч оралигида ( $P \leq 0,05$ ) қабул қилинган.

**«Мияда қон айланишининг ўткир даври клиник кечишининг характеристикаси. Мияда қон айланишининг бузилиши ўткир даврида бўлган беморларда веноз қон айланишининг ҳолати»** деб номланган учинчи бобда беморларни текшириш натижалари келтирилган.

ИИнинг Атеротромботик шаклида (АТ) 42 (31,8%) беморда, кардиоэмболик шаклида (КЭ) - 30 (22,7%) кузатилди, лакунар шакли (ЛШ) билан касалланган беморларда 16,7% (n=22), гемодинамик (ГД) шакли бўлган беморларда - 12,1% (n = 16)ни ташкил қилди (1-расм).

Беморнинг 97 (78,2%) нафарида неврологик статус ўрганилганда энгил ёки ўртача даражада 53 (54,6%) нафаридаўнг томонлама гемипарез шаклида ҳаракатланиш бузилиши аниқланди, чап томонлама гемипарез - 44 (45,4%) беморда; координатор(77,4%) ва сезувчанлик (64,5%) бузилишлар аниқланди. 8 (6,1%) беморда мотор афазияси элементлари, 6 (4,5%) беморда ҳиссий ва 4 (3%) беморда аралаш афазия кузатилди.



**1-расм. ИИ бўлган беморларни бўлиниши (п. %).**

Кўпинча ИИни ривожланишида беморлар умумий ва ўчоқли симптомлар пайдо бўлиши билан деярли бир вақтнинг ўзида онгни

йўқолишини кузатдик. Вақти-вақти билан бундан олдин баъзи прекурсорлар, масалан, безовталиқ, бош оғриғи, бош айланиши, кўнгил айниш, қон босими ва СМИ кузатилган. Ушбу тадқиқот гуруҳидагиларда ўчоқли симптомлар умумий мия симптомларидан устун келди.

Хавф омилларини ўрганишда биз асосан тадқиқот гуруҳида ГКнинг юқори даражаси (34, 47,2%) ва унинг атеросклероз билан комбинатсияси (28, 38,9%) туфайли атеротромботик ва лакунар қон томирлари учун этиологик хавф омилларининг устунлигини аниқладик, бу жабми барча респондентларнинг ярмидан кўпини ташкил қилди. Ушбу беморларнинг деярли ярмида эссенциал ГК қон босими нормал ва «енгил» кўтарилгани аниқланди. Кейинчалиқ қон томирлари учун бошқа хавф омиллари, яъни сурункали юрак этишмовчилиги ва юрак фракцияларини чиқаришини камайиши кузатилди.

ИИнинг шаклидан қатъий назар МҚАЎБ бўлган беморларда биз скрининг тадқиқотининг бир тури сифатида реоэнцефалографиядан (РЭГ) фойдаландик. РЭГ ёрдамида биз мия томирлари деворининг эластиклиги, тонуси, умумий функционаллиги, қаршилиги ва реактивлиги ҳамда томирларни қон билан тўлиши ҳақида маълумот олдик. РЭГ ўтказиш давомида миянинг артериал ва веноз тизимларининг умумий фаолияти баҳоланди. РЭГ куйидаги параметрлари ўрганилди: реографик (РИ), диктротик (ДКИ), диастолитик (ДСИ) индекслар, периферик қаршилик индекслари (ПҚИ) ва веноз оқим (ВО). РЭГни ўтказишда кейинги тадқиқотлар учун бошланғич нуқта сифатида веноз оқим ҳолатининг кўрсаткичларига алоҳида эътибор берилди.

РЭГда веноз тўлқин (ВТ) кейинги тўлқин бошланишидан олдин диастоланинг охирида патологияда намоён бўлади. ВТ бош суягидан қон кетишнинг бузилиши умумий гемодинамик намоёнларни кўрсатади, бу кўпинча миянинг катта томирларида босимнинг ошиши натижасидир, шунингдек ВТ мия веноз гемодинамикасидаги ўзгаришлани аниқлашга имкон беради, чунки у маҳаллий даражада ўзини намоён қилиши мумкин-битта РЭГ худудида. РЭГ граммдаги диагностик тўлқин жойлашиши ва шакли мия ичи венулалар ва томирларнинг тонусини акс эттиради. РЭГ натижалари кейинги тадқиқотлар йўналишини аниқлашга имкон берди (3-жадвал).

## ИИнинг турли шаклларида РЭГ

Тадқиқот гуруҳи ИИшакли	РЭГ кўрсаткичлари				
	РИ	ДКИ	ДСИ	ИПС	ВО
Атеротромботик (n=42)	0,88±0,03	0,89±0,02	0,9±0,03	2,6±0,6	21,2±1,3
Кардиоэмболик (n=30)	0,97±0,02	0,69±0,02	0,82±0,02	2,2±0,7	25,7±1,5
Лакунар (n=22)	0,93±0,03	0,86±0,02	0,87±0,02	2,4±0,7	24,1±1,4
Гемодинамик (n=16)	0,95±0,03	0,74±0,03	0,85±0,03	2,3±0,8	22,1±1,3
Назорат гуруҳи - НГ(n=22)	0,82±0,02	0,92±0,02	0,93±0,02	2,8±0,7	20,1±1,2

РЭГ-грамм маълумотларини таҳлилига кўра 45 (40,9%) беморларда веноз қон кетишининг сезиларли даражада муҳим ( $p < 0,05$ ), кардиоэмболик (КЭ) бўлган 25 (83,3%) ва ИИнинг лакунал шакли билан 20 (90,9%) беморларда аниқланди. I даражадаги ИИнинг лакунлар шаклида бўлган 12 (54,5%) беморларда КЭ 36,7% (11 бемор) гуруҳигиларга нисбатан таққослаганда веноз қон кетиши қишинлашгани кузатилди.

II даражали веноз чиқиши бузилган КЭ гуруҳидаги беморларда нисбатан тез учраши қайд этилди - (16 киши (53,3%) қарши лакунар шаклидаги 8 киши (36,4%). Атеротромботик ва гемодинамик ИИ билан касалланган беморлар гуруҳига веноз чиқиши меъёрдан статистик жиҳатдан сезиларли ўзгаришларга эга эмаслиги аниқланди.

Транскраниал доплерофизия (ТКДГ) рангли дуплекс сканерлаш (РДС) билан биргаликда, биринчи марта беморларда ИИнинг ўткир даврида (касалликнинг 4-6 кунларида) ўтказилган. Иккинчи марта - касалхонадан чиққандан кейин (касалликнинг 19-20 кунларида) кўрсаткичлар динамикасини ўрганиш учун қўлланилди. Шифохонадан чиқишдан кейин дастлабки реабилитация давларида шу ва бошқа текширувлар учинчи марта ўтказилди.

РДС ва ТКДГ ёрдамида гемодинамик кўрсаткичлар умумий ва ички уйку артерияларида (УУА и ИУА), умумий ва ички бўйин томирларида (УБТ и ИБТ), ўрта мия томирларида (ЎМТ), миянинг тўғрисиносларида (ТМСС) ва Розенталь венада (РВ) белгиланди.

Допплер тадқиқотларининг энг информацион ўзгарувчан кўрсаткичлари РІ - пульсация индекси (Гослинг индекси), систолик қон оқимининг тезлиги, ТПИ - трансмиссион-пульсация индекси, КБ-бифуркация коэффициенти бўлиб, ушбу кўрсаткичларга кўра ассиметрия коэффициенти (КАс) ҳисоблаб чиқилган (4- жадвал).

**ИИ бўлган беморларнинг кардиоэмболик (I гуруҳ) ва лакунар  
(II гуруҳ) соғлом (ст) ва жароҳатланган (жт) томонни  
доплерографик кўрсаткичлари**

Допплерографик кўрсаткичлар	I гуруҳ (n = 30)	II гуруҳ (n = 22)	КГ (n = 22)
ҚИТ тезлиги ст	75,45 ± 16,5	72,52 ± 16,4	78,5 ± 15,7
ҚИТ тезлиги жт	80,65 ± 16,9	73,74 ± 15,8	
ЎМТ тезлиги ст	86,62 ± 11,7	80,06 ± 14,7	87,8 ± 10,4
ЎМТ тезлиги жт	58,4 ± 16,9*	65,84 ± 11,7*	
PI ЎМТ зт	0,8 ± 0,2	0,8 ± 0,2	0,8 ± 0,2
PI ЎМТжт	0,78 ± 0,24	0,77 ± 0,18	
ТПИ УМТ	1,01 ± 0,31	0,94 ± 0,17	1.1 ± 0.4
Кас	0,64 ± 0,08*	0,86 ± 0,07*	1.01 ± 0.04
КБ ст	1.22 ± 0.38	1,09 ± 0,3	1,05 ± 0,3
КБ жт	0,8 ± 0,33	0,9 ± 0,28	
PI Розентал веналарида ст	0,45 ± 0,07	0,46 ± 0,08	0,46 ± 0,08
PI Розентал веналарида жт	0,21 ± 0,08	0,24 ± 0,07	
Тўғри синуснинг PI	0,24 ± 0,08	0,27 ± 0,06	0,38 ± 0,07
PI ИБТст	0,58 ± 0,08	0,61 ± 0,07	0,64 ± 0,06
PI ИБТжт	0,28 ± 0,09	0,3 ± 0,08	

Изоҳ: \* - p < 0,05 Стьюдентнинг t-мезони бўйича

I гуруҳда веноз қон оқими ўрганилганда 25 нафар (83,3) ва II гуруҳдаги 17 нафар (77,3%) беморларнинг артериал қон таъминоти параметрлари билан ўзаро боғлиқ бўлган ва КТ параметрларидан сезиларли даражада фарқ қиладиган барча ўрганилган веноз томирларда гемодинамик кўрсаткичларнинг сезиларли даражада ёмонлашиши кузатилди.

Қон оқими ассиметрияси коэффиценти (Кас), систолик қон оқими тезлигининг нисбати хусусияти сифатида, зарарланган томоннинг ИБТ и УБТда соғлом томоннинг ИБТ и УБТларига, миянинг веноз чиқиши бузилишини баҳолашда юқори функционал сезгирликка эга эди.

Иккала гуруҳда текширилган беморларда аниқланган дисгемик ўзгаришлар (қон оқоминанинг тезлиги ошиши (бўйин веналари ва тўғри синусларда V хажми) веноз қон айланишининг миядан чиқиши ва мия томирларида кичик ўзгаришлар билан ҳам тасдиқланди. Кардиоэмболик (I гуруҳ) валакунар (II гуруҳ) ифодаланган ва деярли атеротромботик ва гемодинамик турларда кўринмайди. Церебрал веноз қоннинг миядан чиқиш кўрсаткичлари беморларнинг неврологик статуси билан корреляцион боғлиқлик кўрсаткичлари исботланди, жумладан веноз қон айланишини миядан чиқишини сезиларни бузилишларида беморнинг умумий ва ўчоқли симптоматикаси оғирроқ намоён бўлди.

Тадқиқотда кузатилган 36 (32,7%) беморда МРТда қоринча тизимини кенгайтиши ва беморнинг бош миясининг ликворли бўшлиқларида турли хил кўринишдаги, яъни заиф - 29 (26,4%) беморда, ўртача - 66 (60%) да, аниқ 15 (13,6%) оғирлик аниқланди.

МРТда мия моддасидаги маҳаллий ишемик ўзгаришлари 107 (97,3%) беморда кузатилган. Беморларнинг кўпчилигида (102, 92,7%) ўчоқли ўзгаришлар мия моддасида чуқур кичик инфарктлар кўринишида семивал марказларнинг оқ моддаси жойлашгани, субкортикал ганглиалар худудида, ички капсулада шунингдек мия сопининг - мияча, таламус, кўприкча ва гиппокампида мавжуд бўлган. 33 (30%) беморларда катта ўчоқли ўзгаришлар ўрта хажмдаги билан бирга, 9 (8,2%) беморларда эса бир нечта кичик фокуслар билан бирга намоён бўлди.

Миянинг оқ моддаси зичлигининг пасайиши (лейкоареоз) 97 (88,2%) беморда аниқланган. Перивентрикуляр оқ материяда ўчоқли ўзгаришлар 30 (27,3%) беморда чекланган лейкоареоз сифатида қайд этилган, 14 (14,5%) беморда перивентрикуляр оқ моддада ўртача диффуз ўзгаришлар қайд этилган ва субкортикал оқ материяда аниқ диффуз ўзгаришлар 9 (8,2%) беморларда аниқланган.

Мия тўқималаридаги ишемик ўчоқлар ишемиянинг тарқалиши ва динамикасини янада аниқроқ намоёниш этади ва МРТ-сигналининг интенсивлиги ва маҳаллий шиш белгилари ўзгариши билан намоён бўлади. Мия тўқималарининг маҳаллий шишиши кўпинча уч кунгача бўлган даврда аниқланиб, ўткир даврда камайган (21 кунгача); реабилитация даврида бирон бир беморда кузатилмаган. Маҳаллий шиш Т1-режимда яхшироқ тасаввур қилинган, аксарият беморларда (107, 97,3%) ИИ биринчи куннинг охирига келиб аниқланган. Шу билан бирга, ИИни кортикал жойлашиши ва илдизли ўчоқлар ни аниқланиши кўпроқ Т1 режимига нисбатан Т2 режимда тез-тез кўриниб турди.

МРТ динамикасида ИИнинг гетероген ўчоғидан гомоген ва контурланган ўчоғли томонда аниқ демаркацияли ўзгаришлар кўринишида намоён бўлди. МРТда биринчи 12 соат ногомоген сигналлар 88 (80%) беморда, 7 кунга келиб 50 (45,5%) да, касалхонадан чиқиш пайтида (20-21 кун) эса фақатгина 8 (7,3%) нафар текширилганларда ( $p < 0,05$ ) аниқланди.

ИИнинг ўткир даврида ўчоқларда аниқ бўлмаган контурлар кўпроқ аниқланди (90 бемор, 81,8%). Шу билан бирга, ўткир давр бошида (7 кун) аниқ контурли ўчоқлар сонининг ошиши қайд этилди ва касалхонадан чиқиш пайтида (20 - 21 кун) 102 (92,7%) беморда ўчоқлар контурининг аниқлиги қайд этилди ( $p < 0,05$ ). Т2-режимда аниқ контурли ўчоқлилар тез-тез топилган.

МРТ ва МР-ангиография маълумотларига кўра 37 (71,2%) беморда магистрал церебрал томирларнинг ассиметрияси бўлган. 19 (36,5%) беморда бўйин томирлари ва мия ярим синуслари ўнг томонга, 23 та (44,2%) чап томонда кузатилди. 7,7% (4 киши) ҳолларда бош миянинг дренаж тизимини ривожланишидаги тугма аномалиялар - 2 (3,8%) беморда - кўндаланг

синуслардан бирининг гипоплазияси, 2 (3,8%) беморда - кўндаланг синус аплазияси, 1 (1,9%) бемор - сигмасимон синуснинг гипоплазияси аниқланди. Вена синусларининг анормал ривожланиши бўлган барча беморларда биз карама-қарши синусларнинг компенсатор кенгайишини кузатдик.

I гуруҳдаги 20 бемор (66,7%) ва II гуруҳдаги 14 (63,6%) беморларга мия қон айланишининг веноз фазасида МР-ангиография ўтказиш вақтида мия томирлари тизимида ишемик шикастланишининг турли босқичларида тўғри келадиган ва баъзи бир хусусиятларга эга бўлган таркибий ўзгаришлар аниқланди. МҚАЎБда церебрал веноз қонокими ўзининг компенсатор қобилиятлари туфайли гемодинамик силжишларга сезиларли тизимли барқарорлиги билан тавсифланди.

I ва II гуруҳдаги беморлардаги фотопсиялар билан бир қаторда фундус камерасини текшириш пайтида кўриш майдонининг йўқолиши ва скотомаларнинг пайдо булиши, артериал спазм ва ташқи томондан кенгайган томирлар орқали экстравазал сиқилиш натижасида пайдо бўлиши қайд этилди. Барча беморларга веноз шиш ва артериал спазм, иккиламчи кўзнинг тўр пардасидаги ишемия фониде дегенератив жараёнлар туфайли ангиосклероз аниқланди. Кўзнинг тўр пардасидаги қон оқимининг турбулентлиги узилишли интервалгача “тиник” томирлар аломатининг пайдо бўлишига олиб келди, уларнинг девори қисман кўзнинг тўр пардасида шиши билан қисман тўсилган, бу ҳолат I гуруҳдаги 7 (23,3%) ва II гуруҳдаги 8 (36,4%) беморда аниқланди. I ва II гуруҳдаги беморларнинг навбати билан 30,0% ва 59,1% да II - III даражали артериовеноз кесишманинг аломати аниқланди. Кўз тубида кўзнинг тўр пардасида ишемия ва ишемик нейрооптикопатия белгилари I ва II гуруҳдаги 5 (16,7%) ва 8 (36,4%) беморда аниқланди.

Барча гуруҳлардаги беморларда артерто-веноз коэффицентининг (АВК) меъёрий кўрсаткичларидан паст бўлганлиги аниқланди, бу барча текширилаётган беморларда ангиопатия мавжудлигини билдиради. Кўзнинг тўр пардаси томирларидаги ўзгаришлар СМИ беморларида ташхисланган бўлса, ИИда аниқ ангиоспазм белгилари аниқланган.

Бизнинг беморларнинг неврологик ҳолатини ўрганиш даврида, биз ишлатиладиган NIHSS шкаласи Миллий саломатлик институти (National Institutes of Health Stroke Scale) томонидан тақдим этилган. Бу шкала ИИ билан касалланган беморнинг ҳолатини объектив баҳолаш учун ишлатилади. Рэнкин шкаласи ёрдамида АИдан кейин ногиронлик даражаси ўрганилди. Тадқиқот касалхонада ИИнинг ўткир ва реабилитациянинг дастлабки даврида (касалхонадан чиққанидан кейин 3 ойдан кейин) ўтказилди.

МҚАЎБнинг ўткир даврида қилинган таҳлилларнинг клиник кўриниши шуни кўрсатдики, ИИнинг атеротромботик шакли бўлган касалланган беморлар гуруҳида онг бузилишининг 1,4 барабар кўпучраши аниқланди. Бундай беморларнинг дастлабки даврида оғирроқ ҳолатда бўлишганини кўрсатади, бу ИИнинг оғирлиги ва оғир қўшма соматик патологиянинг мавжудлиги билан боғлиқ. Барча тадқиқот



гурухларида клиник кўринишдаги ҳаракат, нутқ ва сезги каби етакчи аломатларнинг бузилиши бўлди, VII ва XII бош мия нервларининг марказий парезлари бўлиб, атеротромботик ИИ билан касалланган беморлар гуруҳида кўпроқ кузатилди. Ушбу гуруҳда NIHSS шкаласи бўйича кўрсаткичлари бошқа икки гуруҳга қараганда юқорироқ бўлган, бу атеротромботик ИИ билан касалланган беморлар гуруҳидаги оғирроқ неврологик танқисликка тўғри келди, чунки ИИ локализациясининг юқори частотаси ва коморбид соматик патологиялари мавжуд бўлиши билан боғлиқ. Рэнкин шкаласи бўйича атеротромботик ИИнинг кўрсаткичлари кардиоэмболик ва гемодинамик ИИ билан касалланган беморлар гуруҳига нисбатан анча ёмонроқ эди (5-жадвал).

5-жадвал

**ИИнинг ўткир даврида NIHSS ва Рэнкин шкаласи бўйича ўртача кўрсаткичлар**

ИИ гуруҳи	NIHSS ўкаласи	Рэнкин шкаласи
Атеротромботик (n = 42)	14,5±1,8	4,3±0,5
Кардиоэмболитик (n = 30)	12,6 ±1,2	4,2±0,4
Лакунар (n = 22)	4,5±0,7	1,2±0,3
Гемодинамик (n = 16)	10,2±1,7	3,4±0,6

Иккала гуруҳдаги беморлар гемодинамикасининг клиник ва неврологик ҳолатини ва доплер параметрларини баҳолашни таққослаш церебрал ва веноз гемодинамика механизмининг бузилиш фарқига қараб касалликнинг боришини кўрсатади (6-жадвал).

6-жадвал.

**Тадқиқот гуруҳларининг жароҳатланган томонининг веноз гемодинамикаси кўрсаткичларини неврологик ҳолатга нисбатан таққослаш (p≤0.05 t- Стьюдент критерийси бўйича)**

Бемор гуруҳлари	ABK	Неврологик ҳолат		Допплерографик кўрсаткичлар		
		NIHSS	Рэнкин	PI Розенталь венаси	PI ВЯВ	PI Тўғри синус
КЭИИ (I гуруҳ) (n=30)	0,72±0,03	12,6 ±1,2	4,2±0,4	0,21±0,08	0,28±0,09	0,3±0,08
ЛИ ИИ (II гуруҳ) (n=22)	0,69±0,02	4,5±0,7	1,2±0,3	0,24±0,07	0,3±0,08	0,27±0,06
Ўртача кўрсаткич (n=52)	0,71±0,02	10,1 ±1,6	10,7±1,4	0,22±0,07	0,64±0,06	0,25±0,07

Веноз чиқиши бузилган беморларда ИИнинг ўткир даврида NIHSS ва Рэнкин шкаласига кўра неврологик ҳолат сезиларли даражада оғирроқ бўлган ва кейинги даврларда ногиронлик кўрсаткичининг ошишини аниқланган. ИИбилан касалланган барча беморларни неврологик ҳолатини баҳолаш учун биз когнитив бузилашларини баҳолаш учун Монреал (MoCA), касалҳонанинг безовталиқ ва депрессия (HADS) шкаласидан фойдаландик.

Аниқ кўринган кўрсаткичлардан биз қуйидагича хулоса қилдик: МоСА шкаласининг ишончли паст баллари ва иккала гуруҳда HADS балларининг юқори бўлган беморларда церебрал веноз гемодинамика бузилишларининг ёрқин кўринишлари аниқланди, бу уларни яна бир бор мияга таъсирини тасдиқлайди (7-жадвал).

7-жадвал.

